

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Олимов Достон Ҳиммат ўғли
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
314-гуруҳ курсанти

Аннотация: профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини ташкил этиш фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар, ҳамда уларни бартараф этиш буйича бир қатор таклифлар юзасидан маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: виктимология, виктимлик, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси, профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларнинг таснифи.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида жамоат тартибини сақлаш ва ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноят-чиликка қарши курашиш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бунда биринчи навбатда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи субъектларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш тизимини яхшилашга, уларнинг ҳамкорлик механизмни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси виктим ҳолатларнинг юзага келишини ўрганиш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқий адабиётларда, шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг илмий тадқиқотларида виктимлик – инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш имконияти эмас, балки инсоннинг ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолати деган қарашлар мавжуд. Таъкидлаш жоизки, виктимология ўз мазмунига кўра жабрланганларга етказилган зарарни нафақат ҳуқуқбузарликдан балки, турли ҳолатлар баҳтсиз ҳодиса, табиий офат, уруш, геноцид, давлатнинг нотўғри сиёсатлари оқибатида юзага келган ҳолатларда жабрланишларни ҳам ўз ичига олади.

Виктимологик профилактика бу – жиноятларнинг олдини олишнинг ижтимоий тизимига киритилган, жабрланишни келтириб чиқарувчи салбий ҳолатларни бартараф этиш, жиноятнинг потенциал қурбонларини химоя қилиш имкониятларини жадаллаштириш ва уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек яқка (индивидуал) ва оммавий қурбонларни камайтиришга йўналитирилган умумижтимоий ва махсус криминологик чора-тадбирларнинг кичик тизимидир¹ (Н.И. Бумаженко). Ҳеч шубҳа йуқки, криминология нуқтаи назаридан жабрланувчиларини тадқиқ этиш мумкин ва шу билан бирга атрофлича ўрганиш лозим.

Агар биз жиноят оқибатида албатта жабрланувчига турли (моддий, иж-тимоий, жисман, руҳий, маънавий ва ҳатто ҳалқаро ҳуқуқ тартиботлари ҳам бўлиши мумкин.

¹ Н.И. Бумаженко Виктимология. учеб.мет.пособия. М.2010. С–102.

Хатто, ҳуқуқбузарнинг ўзи ҳам ижтимоий ҳавфли қил-мишларнинг қурбонига айланиши мумкин. Айнан ҳуқуқбузарликдан жабрланганларни ҳуқуқбузарлик содир этилишида яқиндан боғланганлиги ҳусусидаги ғояларни юзага келиши ҳозирги кунда янгилик эмас албатта. Бироқ, илк бора яратилган илмий ҳулосаларни XVIII асрда юзага келганлигини ҳам кўриш мумкин.

Жабрланувчиларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш қурбонлар билан боғлиқ ва уларга қарши қаратилган қасд, унинг сабабларини латент бўлиб қолиш ҳолатларини ўрганишга ҳам ёрдам беради ва шу орқали жабр-ланувчилар томонидан ҳуқуқбузарлик тўғрисида тегишли ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда мансабдор шахсларга ҳабар берилмаганлигининг асл моҳиятини билишга ҳам имкон яратади.

Баён этилганларга кўра ҳуқуқбузарлик оқибатида жабрланганлар шахси ва ўзларини тутишлари билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиш учун ҳуқуқбузарлик қурбонларини асосан қуйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

- ҳуқуқбузарлик қурбони ва ҳуқуқбузар ўртасидаги муносабат ҳамда уларнинг ўзаро боғланишига;

- жиноятни содир этилишида сабаб ва муҳитни юзага келтириш билан боғлиқ ҳолда ҳуқуқбузарлик қурбонларининг шахси ва ўзини тутишини мавжудлигига;

- аниқ бир ҳаётий вазиятларда жабрланувчи томонидан ўзини тутиши оқибатида жиноятни юзага келишига;

- ҳуқуқбузарлик содир этилганидан сўнг айникса, (рецидив) ҳуқуқбузарликларни ўрганишда жабрланувчининг шахси ва уни ўзини тутишига;

- латент ҳуқуқбузарликни юзага келишида жабрланувчининг шахси ва хатти-ҳаракатларидаги ўзаро боғлиқлик ҳусусиятларига каби.

Санаб ўтилганларни эътиборга олиниши виктимология муаммоларини ўрганишга кенг имкониятлар яратади. Профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишнинг ўзига хос ҳусусиятлари бўлиб, виктимологик профилактиканинг усулларида фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий усуллари:

- 1) *ишонтириш*,
- 2) *рағбатлантириш*,
- 3) *мажбурлаш*,²

Ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг асосий усулларида бири **ишонтиришдир**. Виктимологик профилактикада ишонтириш усули фуқароларга, хусусан, ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш ҳамда огоҳлик ва ҳушёрликка чақиришнинг асосий методи. Ҳавф мавжудлигини англаб етиш ва ҳавфсизлик чорларини кўриш бу – ишонтиришдир. Ишонтириш муайян ҳаракат ёки асосли, қимматли ва реал ҳаётга мос фикр-сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий-огоҳлантирув ҳусусиятга эга бўлиб, улар профилактика қилинаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди.

² Турсунов А.С. “Ички ишлар органлари профилактик фаолияти” //Т-. 2018, Б-128.

Бу усулнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ишонтариш ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принципларидан бирини ташкил этиб, ҳар бир профилактик чора-тадбирлар замирида ётади.

Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтариш чораларига профилактик суҳбат, маърузалар, жабрланувчиларга шахслар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш, ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш кабиларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг яна бир усули **рағбатлантиришдир**. Ушбу усулнинг қўлланилиши қуйидагиларда намоён бўлади:

1) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини тўлиқ ўзлаштирган ва улардан самарали фойдаланган шахсларнинг ютуқларини жамоа олдида эътироф этиш;

2) ҳуқуқбузарликдан жабрланишдан ҳимояланиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда оммалаштиришда фаол иштирок этган шахсларни моддий ёки маънавий жиҳатдан рағбатлантириш;

3) ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихтисослаштирилган муассасалар тузган ва уларнинг ишини ташкил этганлиги учун нодавлат нотижорат ташкилотларга давлат томонидан турли шаклда имтиёзлар бериш.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишда **мажбурлаш** усули ҳам қўлланилиши мумкин.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини амалга оширишнинг навбатдаги хусусиятларидан бири - амалга оширилиши назарда тутилаётган тадбирларда фуқароларнинг оила, маиший турмуш, дам олиш ва бўш вақтни қандай ўтказаятганлигига тегишли шунингдек кўча, мактаб, ўқув юртларида, ишлаб чиқаришда, одамларнинг нималар билан шуғулланишини аниқлаш, алкоголизм, наркомания каби салбий иллатларнинг маълум тоифадаги одамларга таъсири даражасини аниқлаш инсон рухияти, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи, уларнинг яшаш муҳити каби ҳолатларга тааллуқли тадбирларни олдиндан режалаштириб олишдан иборат.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси фаолиятини амалга оширишнинг навбатдаги ўзига хос хусусиятларидан бири бу соҳавий хизматлар ўртасидаги ҳамкорлик бўлиб, ҳамкорликни самарли амалга оширмай туриб бирор-бир натижага эришиш қийиндир. Демак, профилактика инспектори ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятини амалга оширишда қуйидаги соҳавий хизматлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини ташкил этиш фаолиятининг навбатдаги ўзига хос хусусиятларидан бири бу ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг инди-видуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

- аҳолига, шу жумладан ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга шахс-лар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

- ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатувчи ихти-сослаштирилган муассасаларни ташкил этиш;

- ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик ҳавф-сизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонунда назарда тутилган ўзини-ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

- ғайриижтимоий ҳулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

- ҳужум қилинган тақдирда зарурий мудофаа ва охириги зарурат ҳа-қидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан аҳолига ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

- ғайриижтимоий ҳулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурида ишонч, тезкор алоқа телефонларини, қутқарув хизматларини ташкил этиш;

- профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида жаҳон Интернет ахборот тармоғида веб-сайтлар, блоглар, чатлар ташкил қилиш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш.

- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси қонун ҳуж-жатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Бу чора-тадбирлар авваламбор шахсда, жамиятга нисбатан зид бўлган йўналишни шакллантиришга таъсир қилувчи носоғлом муҳитни, ундаги воқеа ходиса ва жараёнларни, ўзининг ғайриижтимоий хислатлари, ҳулқи, одатлари ва ҳаёт тарзи билан виктимологик омилларни келтириб чиқарувчи «хавфли гуруҳ»га кирувчи шахсларни аниқлаш, уларни ҳисобга олиш ва улар билан тарбиявий-огохлантирувчи характердаги ишларни амалга оширишдан иборатдир.

Маълумки, ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятлари мураккаблиги ва кўп қирралилиги, ваколатлари ва вазифалари кенг, турли хиллиги ва улар ижтимоий ҳаётнинг турли йўналишида инсон ҳаёти ва тақдири учун курашишлари ўзига хос маъсулиятни талаб қилади. Ўзга бир шахс тинчлиги ва унинг ҳаётини, ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик қурбони турларини синчковлик билан ўрганиб чиқиш

виктимологик сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича керак бўлган тадбирларни ўз вақтида ўтказишни талаб қилади.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини ташкил этиш фаолияти бўйича шу нарсани ёдда тутиш керакки, ҳуқуқбузарлик қурбонларининг биз юқорида санаб ўтган хатти-ҳаракатлари йул ҳаракати ходисалари, баданга шикаст етказиш, ўғрилиқ, безорилик кабиларнинг содир этилишига олиб келадиган ҳолатлардан ҳисобланади. Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фаолиятида қуйидаги тартибдаги режалаштиришлар орқали процессуал ҳужжатларни расмийлаштиради.

- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига оид дастурлар;
- ҳуқуқий тарғибот баённомалари;
- тақдимномалар;
- маҳалла фуқаролар йиғини муҳокама йиғилиш баённомалари;
- кунлик иш юритув режалар;
- ойлик иш юритув режалар;
- профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига оид ҳисобот йиғин баённомалари;
- профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасига оид маълумотнома кўрсакчларини ҳамда бошқа ҳужжатларни келтириб ўтишимиз мумкин. Юқоридагилардан ҳулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган, жабрланишга мойил бўлган шахсларни виктим бўлишини олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган чора- тадбирлар тизими ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб қувватлаш ҳамда оила ва хотин қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида” ги фармони.
3. Виктимология – дарслик
4. Lex.uz
5. Yuridik.norma.uz